



## КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИ БОШҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Юлдашева Нилуфар Абдувахидовна -**

*иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Фарғона политехника институти*

*“Менежмент” кафедраси доценти в.б.*

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a20](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a20)

**Аннотация.** Мақолада инновацион ривожланиш стратегиясининг моҳияти асослаб берилган. Инновацион ривожланиш стратегияларининг таснифи қўриб чиқилиб, стратегия турларининг умумлаштирувчи тавсифи берилган. Инновацион стратегияларнинг ўзаро боғлиқлиги, корхонанинг стратегик бошқаруви тузилмасида инновацион стратегия йўналишларининг хусусиятлари ёритиб берилган. Корхона мақсадлари ва ресурс компонентининг ўзаро таъсирида корхонанинг стратегик инновацион ривожланишини шакллантириш модели келтирилган.

**Калит сўзлар:** инновация, технология, стратегия, инновацион стратегия, ривожланиш, корхона, инновацион салоҳият, стратегик бошқарув, стратегия тизими, жараён.

## ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНИЯ СТРАТЕГИЕЙ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ

**Юлдашева Нилуфар Абдувахидовна -**

*доктор философии по экономическим наукам (PhD)*

*Ферганского политехнического института,*

*и.о. доцент кафедры «Менеджмент»*

**Аннотация.** В статье обоснована сущность стратегии инновационного развития. Рассмотрена классификация стратегий инновационного развития и дана обобщенная характеристика видов стратегий. Выявлена взаимозависимость инновационных стратегий, характеристика направлений инновационной стратегии в структуре стратегического управления предприятием. Представлена модель формирования стратегического инновационного развития предприятия во взаимодействии целей предприятия и ресурсной составляющей.

**Ключевые слова:** инновация, технология, стратегия, инновационная стратегия, развитие, предприятие, инновационный потенциал, стратегическое управление, система стратегии, процесс.

## FEATURES OF MANAGING THE STRATEGY OF INNOVATIVE DEVELOPMENT AT ENTERPRISES

**Yuldasheva Nilufar Abduvakhidovna -**

*Doctor of Philosophy in Economics (PhD) of the*

*Fergana Polytechnic Institute, Associate*

*Professor of the Department of Management*

**Abstract.** The article substantiates the essence of the strategy of innovative development. The classification of strategies for innovative development is considered and a generalized description of the types of strategies is given. The interdependence of innovative strategies, the characteristics of the directions of the innovative strategy in the structure of the strategic management of the enterprise are revealed. The model of formation of the strategic innovative development of the enterprise in the interaction of the goals of the enterprise and the resource component is presented.

**Key words:** innovation, technology, strategy, innovation strategy, development, enterprise, innovation potential, strategic management, strategy system, process.

**Кириш.** Инновациялар такрор ишлаб чиқариш жараёнининг омили сифатида хизмат қилади. Мазкур ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, инновацион ривожланиш жараёнини тадқиқ этиш ва моделлаштиришнинг назарий ва услубий асосларини аниқлаш зарурати туғилади. Корхонанинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий омилларидан бири унинг инновацион фаолияти бўлиб, у хомашёни қайта ишловчи корхоналар учун айниқса муҳим. Ҳозирги кунда инновацион фаолият самарадорлигининг бошқа тармоқларга нисбатан анча паст

кўрсаткичлари билан тавсифланади. Шу муносабат билан корхонада инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг аҳамияти ортиб бормоқда, бу биринчи навбатда, корхона ва унинг маҳсулотлари бозорда рақобатбардошлигини сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган.

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётидаги ўзгаришлар сабабли корхоналарга мустақил бошқарув фаолиятини олиб бориш имконияти яратилмоқда. Бу корхоналарнинг ўз фаолиятини режалаштириши, яхшироқ – даромад

олишлари, шу орқали аҳоли фаровонлигини ошириш имконияти алоҳида аҳамиятга эга. Корхоналарнинг хилма-хил хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, турли хил ёндашувлар умумий стратегик бошқарув тизими, хусусан, стратегик режалаштиришни ташкил этиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли корхона инновацион ривожлантириш стратегиясини оқилона танлаш зарур бўлиб, бу уни шакллантиришнинг турли ёндашувлари ва моделларини кўриб чиқишни талаб этади.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Инновацион ривожланиш муаммоларининг назарий жиҳатлари бир гуруҳ олимлар томонидан тадқиқ этилган. Инновация назариясининг асосчилари Н.Д.Кондратьев ва Й.Шумпетер ҳисобланади.

Н.Д.Кондратьев жамиятнинг иқтисодий тузилишидаги ўзгаришлар асосий инновацияларни амалга оширишга боғлиқлигини исботлади, бу эса иккиламчи, модернизация қилувчи ижтимоий-иқтисодий инновацияларни амалга оширишни назарда тутди [10].

Олимнинг асосий ғоялари Й.Шумпетер томонидан ишлаб чиқилган. 1911 йилда у радикал технологик ўзгаришларни рағбатлантириш иқтисодий таназзулни жадал енгиш учун имкониятлар яратишини асослаб берган. Кейинчалик, XX асрнинг 30-йилларида олим “инновация” тушунчасини киритди. Таҳлиллар кўрсатадики, инновацион фаолият муаммоларини ўрганишга бағишланган маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларда “инновация” атамасининг моҳиятига турли хил талқинлар берилган.

Инновацион ривожланишнинг замонавий назарияси шаклланиши “бир қанча назарияларни (иқтисодий ривожланиш, инновация, тадбиркорлик) синтез қилиш ва тадқиқот объекти ва предметини ҳар томонлама таҳлил қилиш, методологик ва услубий аппаратни диверсификация қилишни янада такомиллаштириш” билан боғлиқ [11].

Инновацияларнинг пайдо бўлиш манбалари ва сабабларини асослаш, бу жараёнда давлат ва институтларнинг ролини аниқлаш имконини берувчи назариялар шакллантирилмоқда. Хусусан, неоклассик йўналиш вакиллари (А.Маршалл, Р.Солоу, С.Кузнец, Г.Менш ва бошқалар) ишлаб чиқариш омиллари ва иқтисодий ўсиш таркибига экзоген инновацион омил тушунчасини киритганлар. Натижада “технологик туртки” назарияси ишлаб чиқилди, асосий ва такомиллаштирувчи инновациялар тушунчаси киритилди.

Инновацион ривожланиш муаммоларини ўрганишга Ю.Бажал, С.Валдайцев, С.Ильенкова, П.Завлин, М.Калецкий, Н.Кондратьев, А.Кореной, А.Лапко, Л.Нейкова, Б.Санто, Р.Солоу,

Б.Твисс, Д.Черванев, И.Шумпетер ва бошқа хорижий олимлар муносиб ҳисса қўшганлар. Инновациялар, инновацион фаолиятга бағишланган кўплаб ишларнинг мавжудлигига қарамай, корхонанинг инновацион ривожланиш стратегиясини шакллантиришда мунозарали ҳолатлар мавжуд.

Кўплаб муаллифлар инновацион ривожланиш стратегияларининг турли таснифларини ажратиб кўрсатганлар. Б.Э.Фишман инновацион ривожланиш стратегияларининг тўрт турини тақлиф қилади: инновацияларни мустақил ишлаб чиқариш, “тезкор иккинчи”, “минимал харажатлар билан орқада қолиш”, “бўшлиқларни тўлдириш” [9].

Б.Санто инновацион стратегияларни бошқарув даражалари бўйича институционал инновация стратегиялари доирасида пассив, ҳужумкор ва турғун турларини ажратиб кўрсатади [5].

В.О.Василенко инновацион стратегияларни ташқи муҳит шароитлари ва компаниянинг ички мавқеига қараб ҳужумкор, мудофаа, авангард, имитацион турларга ажратади [3].

Р.А.Фатхутдинов инновацион стратегияларни виолент, пациент, коммутант ва эксплент турларга бўлиб кўрсатган, шунингдек, уларнинг ҳар бири учун ҳар хил турдаги инновацияларни тақлиф қилган [8].

Замонавий иқтисодиёт шароитида Г.Т.Пятницкая стратегияларнинг қуйидаги асосий гуруҳларини белгилаб кўрсатган [4]: анъанавий, оппортунистик, имитацион, мудофаа, синг-дирувчи, ҳужумкор, авангард, фаол ҳаракатлар.

Таъкидлаш керакки, К.П.Янковский ва И.Ф.Мухаррам тажовузкор ва мўътадил инновацион стратегияларни ҳужум стратегияларига, қолдиқ ва адаптив стратегияларни эса мудофаа стратегиялари сифатида таснифлаганлар [3].

**Таҳлил ва натижалар.** Кўриб чиқилган таснифларни таҳлил қилиш, турли муаллифлар томонидан аниқланган инновацион стратегияларнинг турлари бир хил хусусиятларга, танлаш шартларига эга, мазмунини такрорламасдан ўхшаш номларга эга ёки ўхшаш турлар турли номларга эга деган хулосага келиш имконини беради. Масалан, Х.Фриманнинг фаол ҳужумкор инновацион стратегия ва кескин ҳужумкор инновацион стратегия хусусиятларини ўзида мужассам этган, ўз мазмуний хусусиятларига кўра “инновацияларни мустақил ишлаб чиқариш” стратегиясига яқин бўлган ҳужумкор инновацион стратегияси бунга мисол бўла олади. Шунга ўхшаш вазиятни имитацион, мудофаа ва пассив инновация стратегиялари, қолдиқ ва бўшлиқни тўлдириш стратегияларида кузатиш мумкин.

Бироқ бундай таснифлар фаол ёки пассив инновацион сиёсат нуқтаи назаридан корхона-

нинг инновацион фаолиятидаги фарқлар, радикал инновацияларни, хусусан, илмий тадқиқот ва ўзгартиришлар соҳасида, мавжуд ресурсларни, хавф-хатарларга муносабат ва компаниянинг мавжуд стратегик ҳолатини тавсифлайди (1-жадвал). Ҳимоя инновацион стратегиялари маълум бир бозор ёки унинг сегментида концентрация, тор бозор йўналиши ёки бозор улу-

шини ҳимоя қилиш, стратегик мавқени сақлаб қолишга эътибор қаратиш, инноваторлар орасида қолиш истаги ва тажовузкор инновацион стратегиялар – фаолиятни доимий равишда кенгайтириш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш, рақобатдош устунликларни излаш кабилар шулар жумласига киради.

1-жадвал

**Инновацион стратегия турларининг умумий тавсифи**

Ҳимоя инновацион стратегиялари	Ҳужумкор инновацион стратегиялар
Корхонанинг инновацион сиёсати	
Пассив, мослашувчан, инновацион фаолият олинган рақобатбардош позицияларни сақлаб қолишга қаратилган	Фаол инновацион фаолият техник ва бозор етакчилигига эришишга қаратилган
Инновацион салоҳият	
Инновацион фаолият инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва бизнес фаолиятини яхшилашга қаратилган	Юқори ресурс, илмий-техник имкониятлар мавжуд бўлганда инновацион фаолият мавжуд инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишга қаратилган
Риск даражаси	
Паст риск даражаси шароитида корхонанинг инновацион фаолияти	Юқори риск даражаси шароитида инновацион фаолият
Инновация тури	
Бошқарув ва ходимлар билан ижтимоий-психологик иш каби инновацион фаолиятда кичик ўзгаришлар	Шахсий илмий ишланмаларидан фойдаланган ҳолда радикал инновациялар, модернизация ва қайта ташкил этиш
Корхонанинг стратегик ҳолати	
Кичик бозор улуши, кичик рақобат	Бозордаги барқарор ҳолат, монополия ёки олигополия мавжудлиги

Манба. тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Амалда, корхоналар камдан-кам ҳолларда бир хил стратегияга, шунингдек, инновацион стратегияларнинг кўплаб модификацияларидан фойдаланган ҳолда "соф шаклдаги" стратегияларга амал қилади[5], бир қанча стратегияларни бирлаштирилган инновацион стратегиялар [2] корхоналарнинг бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш ва мудофаадан ҳужум туридаги инно-

вацион стратегияга ўтишда энг самарали саналади.

Бундан ташқари, инновацион стратегиянинг ҳар бир тури стратегияни шакллантиришга таъсир этувчи хусусиятлар ва омилларга эга. Корхонадаги стратегик жараёнлар ва улар учун мақсадли функция стратегиянинг тури, унинг табиати ва асосий хусусиятларини объектив равишда аниқлашга хизмат қилади (1-расм).



1-расм. Инновацион стратегияларнинг ўзаро боғлиқлиги

Манба. Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Г.Т.Пятницкая инновацион стратегиянинг бундай хусусиятларини қуйидаги омилларга асосланиб ажратиб кўрсатади [6]: инновацияларни шакллантириш, корхоналарда инновацион фаолиятни ташкил этиш, корхоналарнинг инновацион йўналиши.

А.А.Лапко инновацион стратегияларни таснифлашда қуйидаги омиллардан фойдаланади: илмий тадқиқот фаолияти, инновация тури, рақобатга муносабат, ўсиш суръатлари, бозор улуши, ассортиментнинг кенглиги, интеграция, логистика, ҳамкорлик, техника-технология [8].

Таъкидлаш керакки, инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш унинг хусусиятларини ҳисобга олишни талаб этади.

Биринчидан, инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни стратегик инновацион ривожланиш механизмини шакллантиришнинг асосий вазифаси бўлиб, бунда инновациялар стратегик мақсадларга эришишнинг ҳам натижаси, ҳам йўли сифатида хизмат қилади. Тизимли инновацияларга эҳтиёж ва инновацияларни стратегик қўллаб-қувватлаш за-

рурати корхона ривожланишининг асосий босқичларини белгилаш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларни мувозанатда ушлашга ёрдам беради. Шунингдек, корхона учун инновацион стратегияни ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида, жорий этилган инновациялар доирасини кенгайтиради, корхонада қўшимча ўзгаришларни келтириб чиқаради ва стратегик бошқарув йўналишларини қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Шу сабабли, корхона инновацион фаолиятини самарали бошқаришнинг асоси инновациялар занжири, инновацион стратегия бўлиб, унинг тузилмасида корхонани бошқаришнинг умумий стратегиясига эътибор қаратиш лозим. Стратегик бошқарувда тўртта асосий босқич – таҳлил, режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш босқичлари мавжуд бўлиб, улар инновацион ривожланишни бошқаришнинг қуйидаги йўналишларини аниқлаш имконини беради (2-жадвал).

2-жадвал

**Стратегик корхона бошқаруви тузилмасида инновацион стратегия йўналишларининг хусусиятлари**

Стратегик бошқарув босқичлари	Инновацион стратегиянинг фаолият соҳалари
Таҳлил	Инновацион мақсадларни аниқлаш ва уларнинг корхонанинг умумий мақсадлари, тармоқ, ривожланиш стратегияси ва корхона мақсадларига мувофиқлигини таҳлил қилиш; мумкин бўлган хавфни баҳолаш; ташқи муҳитни таҳлил қилиш; ички муҳитни ўрганиш; корхонанинг инновацион салоҳияти ва қўшимча ресурсларни жалб этиш имкониятларини таҳлил қилиш
Режалаштириш – тўпланган инновацион салоҳиятга қараб корхонанинг узоқ муддатли ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш	шаклланган инновацион мақсадлар асосида инновацион ривожланиш йўналишларини режалаштириш; – истиқболли инновацион ривожланишнинг оптимал усулларини ишлаб чиқиш ва корхонанинг турли бўлинмалари ишини мувофиқлаштириш
Амалга ошириш – инновацияларни жорий этиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш	шаклланган инновацион мақсадларга мувофиқ инновацион стратегия босқичларини амалга ошириш
Назорат – инновацияларнинг бутун ҳаётий цикли давомида ташкилий тизимда муносабатларни ўрнатиш	ички ва ташқи муҳит ҳолати ҳақидаги маълумотлар ўзгаришини назорат қилиш; корхонанинг инновацион мақсадларини мослаштириш устидан назорат

*Манба.* Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Корхонанинг инновацион стратегиясига атроф-муҳитдаги ўзгаришлар таъсир қилишини ҳисобга олган ҳолда, таъкидлаш жоизки, корхонанинг бу ўзгаришларга муносабати умумий стратегик йўналишни ҳам тавсифлайди: корхона фаол таъсир орқали ўзгаришларни мустақил равишда яратади (хужумкор инновацион стратегиялар) ёки ўзгаришлар турли шаклдаги

реакциялар кўринишида содир бўлади (мудофаа инновацион стратегиялари).

Инновацион стратегиянинг мақсади корхонанинг умумий стратегиясидан келиб чиқиб, унинг мазмунига таъсир қилади ва унга эришишга ёрдам беради. Бу борада қуйидаги вазифалар амалга оширилади: янги маҳсулот, хизматларни самарали ишлаб чиқиш, рақобатбардошликни ошириш, иқтисодий ўсишнинг юқори

суръатларини таъминлаш, иқтисодий вазиятдаги глобал ўзгаришларни прогнозлаш, бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланишга қаратилган кенг қўламли ечимларни излаш[7]. Корхонанинг умумий ривожланиш стратегияси инновацион стратегия асосини ташкил қилади, унинг моҳияти ва фаолият йўналишларини белгилайди. Бу унинг тадқиқоти ва фаолияти ташкилот ривожланишининг умумий йўналишлари билан узвий боғлиқ, аммо сифат хусусиятларидан фарқ қилишини англатади.

Инновацион стратегиянинг ҳолати ва шаклланишига кўплаб ташқи ва ички омиллар таъсир кўрсатади [1]: инновацион бошқарув ҳолати, инновацияларни бошқариш тизими, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, натижаларни баҳолаш, кашфиётлар, патентлар, инвестициялар, компаниянинг инновацион салоҳияти.

Инновацион стратегиянинг ҳар бир bosқичи ижобий ёки салбий таъсир мавжудлиги билан тавсифланади (3-жадвал).

3-жадвал

**Инновацион стратегия тизимининг макро, микромуҳити омиллари хусусиятлари таснифи**

Таснифлаш белгиси	Омилларнинг турлари
Тизимга нисбатан	ички – макро муҳит омиллари; ташқи – микромуҳит омиллари.
Фаоллик	актив – тизимга фаол таъсир қилиш; пассив – тизимга заиф таъсир.
Намоён бўлишига кўра	очиқ – очиқ намоён бўлади; яширин – ташқаридан кўринмайди, яширин табиатли таъсир кўрсатади.
Тизимга таъсир қилишига кўра	ижобий – тизимга барқарорлаштирувчи таъсир салбий – тизимга ҳалокатли таъсир
Ҳаракат хусусиятига кўра	алоқаларнинг ўзгариши; тизим элементларини ўзгартириш; аралаш

*Манба:* тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги омилларнинг корхона инновацион стратегиясига таъсири кўплаб чекловлар тизимини шакллантиришдан иборат. Бироқ стратегик инновацион ривожланиш механизмининг шакллантириш нафақат корхонанинг инновацион фаолиятига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни ўрганиш, балки инновацион стратегиянинг тузилишини таҳлил қилишни ҳам талаб этади, бу эса инновацион ривожланишнинг мумкин бўлган йўналишлари, инновацион стратегия турини танлаш усуллари ва воқитларини аниқлаш тизимини белгилайди.

Маълум турдаги инновацион стратегияни танлашда муҳим омил стратегия мақсадлари билан узвий боғлиқ ҳолда ресурслар билан таъминлашдир. Бу икки омилнинг ўзаро таъсирини ва уларнинг корхона томонидан инновацион ривожланиш стратегиясини шакллантиришга таъсири тадқиқ этилди (2-расм). Ташкилотнинг инновацион мақсадлари умумий стратегик мақсадлардан келиб чиқади ва ресурслар тўплами корхона зарур инновацион салоҳиятни шакллантиради.

Стратегияни ишлаб чиқиш бозорнинг стратегик мезонларини таҳлил қилиш, аниқлаш

жараёнини ўз ичига олади, улар турли стратегик дастур ва лойиҳалар шаклида акс эттирилади.

Инновацион мақсад умумий стратегик мақсадларнинг таркибий қисми сифатида корхона фаолиятининг исталган натижаси маълум инновация кўринишидаги чекланган ресурслар билан чекланган вақт оралиғида амалга оширилади ҳамда корхонанинг ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилади [6].

Стратегик инновацион ечимни корхона фаолияти билан боғлиқ аниқ вазифаларни амалга оширишга йўналтиришга имкон берувчи инновацион мақсадларни аниқлаш, мавжуд инновацион салоҳият билан ифодаланувчи ички имкониятларни бошқариш билан амалга ошириш даркор.

Шунга кўра, маълум мақсадларга эришишга йўналтирилган инновацион ривожланишни бошқариш, аниқ стратегик мақсадларни уларнинг мазмуни билан қўллаб-қувватлаш мумкин бўлгандагина самарали бўлади, яъни ташкилотнинг ҳақиқий ҳолати ва ташқи муҳитга қаратилади [1].





**2-расм. Корхона мақсадлари ва ресурс компонентининг ўзаро таъсирида корxonанинг стратегик инновацион ривожланишини шакллантириш**

*Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.*

**Хулоса ва тавсиялар.** Таҳлил қилинган ёндашувлар асосида таъкидлаш мумкинки, корxonанинг инновацион ривожланишини бошқариш инновацион стратегиянинг мақсадларини аниқлаш билан чекланиб қолмайди, балки уларни амалга ошириш жараёнида корхона имкониятларини баҳолашни талаб этади. Бундан келиб чиқадики, инновацион мақсад қўйилган мақсадларга эришишни таъминлаб, ривожланиш йўналишини ташкил қилади. Бироқ корхона энг яхши натижаларни фақат мақсадлари инновацион салоҳиятга мос келган тақдирдагина олиши мумкин.

Шунинг учун инновацион стратегияни танлаш ва амалга ошириш инновацион салоҳият ҳолатига боғлиқ бўлиб, унинг шаклланиши корхона ички муҳитининг таркибий қисмлари ҳамда элементлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Корхонада мавжуд ресурслар (молиявий, моддий, ахборот, ижтимоий ва бошқалар) мажмуаси унинг инновацион салоҳиятини шакллантириб, инновацион стратегиянинг тузилиши ва йўналишларига таъсир этувчи тизимли инновацион ривожланишга тайёрлигини тавсифлайди.

Ривожланган мамлакатлар параметрлари билан таққосланувчи инновацион ривожланишнинг юқори натижаларига эришиш учун кўпинча давлат даражасида ҳам, алоҳида саноат корxonалари даражасида ҳам хорижий назарий ва амалий асослардан “кўр-кўрона нусха кўчириш” ҳолатлари мавжуд ва бунда ўзига хос хусусиятлар камдан-кам ҳолларда ҳисобга олинади. Инновацион ривожланишнинг самарали стратегиясини шакллантириш ва амалга оширишга ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини берган жаҳон етакчиларининг инновацион ривожланиш бўйича мавжуд тажрибаси кўп йиллик мақсадли саъй-ҳаракатлар, зарур базани яратиш ва амалга ошириш натижасида шаклланади.

Шу нуқтаи назардан, ечим сифатида белгиланган мақсадларга эришишга йўналтирилган, иқтисодийнинг ҳақиқий ҳолати ва унинг ўзига хос хусусиятлари, маҳаллий корxonалар, шунингдек, микро, мезо ва макродаражадаги инновацион ривожланиш траекториясига бевоқиф ва билвосита таъсир кўрсатувчи омилларнинг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда корxonаларнинг инновацион ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Galicia, I.O. What is innovative development? [Text] / I.O.Galicia // Economist that Power. 2003. № 10. p. 32-33.
2. Pavlenko, I.A. The Economy and the Organization of Innovation and Discipline: textbook. [Text] / I. A. Pavlenko; Kiev. nat. econ. unt. – K.: KNEU, 2004. – 202 pp.
3. Vasilenko, V.O. Innovation management: textbook for students of higher education. [Text] / V.O.Vasilenko, V.G.Shmatko. – K.: CUL, 2003. – 439 p.
4. Борисенко И.А. Инновационный менеджмент: управление интеллектуальной собственностью: учеб. пособие [Текст] / И.А.Борисенко. – Воронеж: Воронежский гос. унт, 2003. – 63 с.

5. Бурков В.Н. Теория графов в управлении организационными системами [Текст] / В.Н. Бурков, А.Ю.Заложнев, Д.А.Новиков. – М.: Синтез, 2001. – 124 с.
6. Виханский О.С. Стратегическое управление. Учебник [Текст] / О.С.Виханский. – 2е изд., перераб. и доп. – М.: Гардарика, 1998. – 296 с.
7. Волкова В.Н. Основы теории систем и системного анализа [Текст] / В.Н.Волкова, А.А.Денисов. – СПб.: СПбГТУ, 1999. – 512 с.
8. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: учебник для вузов [Текст] / Р. А. Фатхутдинов. – 2е изд. – М.: ЗАО «Бизнесшкола»; «ИнтелСинтез», 2000. – 624 с.
9. Фишман Б.Е. Инновационный менеджмент : метод. пособие Ч. I [Текст] / рук. Б.Е.Фишман; ред. М.Н. Скотникова. – К.: РАМО, 1991. 112 с.
10. Терехова С.В. Активизация инновационного процесса в регионе [Текст]: монография/С.В.Терехова, Е.С.Губанова. – Вологда: ВНКЦ ЦЭМИ РАН, 2009. – 179 с.
11. Терехова, С.В. Роль трансфера и коммерциализации научных разработок в инновационном развитии территорий [Текст]/С.В.Терехова //Проблемы развития территорий, 2015. – №6. – С. 7-28.



## ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҶАСИДАГИ МАРКЕТИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ҲАМДА ФУНДАМЕНТАЛ АСОСЛАРИ

**Яҳёхонов Ниёзхўжа Бахроил ўғли** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг таянч докторанти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a21](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a21)

**Аннотация.** Мақола иқтисодиётнинг рақамли трансформаллашуви шароитида хизмат кўрсатиш соҳасидаги маркетинг моҳиятининг ва уни амалиётда қўлланилишининг назарий ҳамда фундаментал асосларига бағишланган бўлиб, унда рақамли маркетингнинг долзарблиги, тамойиллари, имкониятлари, инструментлари ва технологиялари доирасидаги илмий қарашлар ёритилган. Шунингдек, мақолада миллий амалиётда рақамли маркетингни қўллаш ёндашувлари ва илмий таклифлари берилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт; рақамли маркетинг; Интернет-маркетинг; рақамли маркетинг технологиялари; рақамли маркетингнинг “силжитиш” концепцияси; контекст-реклама; Big Data технологияси; ретаргетинг; мобил маркетинг; электрон почта; вирусли маркетинг; RTB; SMM; SMO; SEO; SEM; коллтекинг.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ СУЩНОСТИ МАРКЕТИНГА В СФЕРЕ УСЛУГ И ЕГО ПРАКТИЧЕСКОГО ПРИМЕНЕНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИКИ

**Яҳёхонов Ниёзходжа Бахроил углы** – базовый докторант Самаркандского института экономики и сервиса

**Аннотация.** Статья посвящена теоретическим и фундаментальным основам сущности цифрового маркетинга в сфере услуг в условиях цифровой трансформации экономики и его применение на практике, в котором отражены научные взгляды на актуальность, принципы, возможности, инструменты и технологии цифрового маркетинга. В статье также представлены подходы и научные рекомендации по применению цифрового маркетинга в отечественной практике.

**Ключевые слова:** цифровая экономика; цифровой маркетинг; Интернет-маркетинг; технологии цифрового маркетинга; концепция «продвижения» цифрового маркетинга; контекстная реклама; технология Big Data; ретаргетинг; мобильный маркетинг; электронное письмо; вирусный маркетинг; RTB; SMM; SMO; SEO; SEM; коллтекинг.

## THEORETICAL AND FUNDAMENTAL FOUNDATIONS OF THE ESSENCE OF MARKETING IN THE SECTOR OF SERVICES AND ITS PRACTICAL APPLICATION IN THE CONDITIONS OF DIGITAL TRANSFORMATION OF THE ECONOMY

**Yahyokhonov Niyozkhodzha Bahroil ugli** - basic doctoral student of the Samarkand Institute of Economics and Service

**Annotation.** The article is devoted to the theoretical and fundamental foundations of the essence of digital marketing in the service sector in the context of the digital transformation of the economy and its application in practice, which reflects scientific views on the relevance, principles, capabilities, tools and technologies of digital marketing. The article also presents approaches and scientific recommendations for the use of digital marketing in domestic practice.

**Key words:** digital economy; digital marketing; Internet Marketing; digital marketing technologies; the concept of "promoting" digital marketing; contextual advertising; Big Data technology; retargeting; mobile marketing; email; viral marketing; RTB; SMM SMO; SEO; SEM; call-taking.